



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 12-may. Seshanba 55 (31.958)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

МУНОСАБАТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунни Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар кенг жамоатчилик, барча ҳамюртларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

ИНСОН, ХАЛҚ, МИЛЛАТ

тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир

Бугун ҳеч кимга сир эмас: миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ва фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам яна ва яна бир бор англаши, қалбидан ўтказиши табиийдир...

Президентимизнинг Хотира майдонида билдирган ушбу фикрлари халқимизга мустақиллик қадрини, тинчлик қадрини яна бир марта англатди.



Санжар ШОТЛУЛАГАНОВ олган сурат.

Эътироф

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ёшлар тарбиясида, ўзбек халқининг кўп асрлар давомидаги анъаналарини ҳамда жамият бирдамлигини асрашда маҳалла институти муҳим аҳамиятга эгадир. Оилавий ришталарни авайлаб-асраш ва мустаҳкамлаш ҳамда кексаларни ҳурмат қилиш ўзбек халқининг муҳим қадриятлари сирасига кириди. Шу маънода, 2015 йил мамлакатда "Кексаларни эъзозлаш йили", деб эълон қилингани ўзбек жамияти маънавияти ва маданиятининг юқори даражасидан далолат берадики, бу дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун ижобий намуна бўлишига шубҳа йўқ.

Жан-Антуан Дюпра,
Сорбонна Париж IV
университетининг
Шаҳарсозлик ва
ривожланиш институти
директори ўринбосари,
барқарор тараққиёт
бўйича эксперт.

ЎзХДП: ҲАМКОРЛИҚДАГИ ТАДБИР

Семинар-тренингда маърузалар тингланади, деган фикр билан келган иштирокчилар маърузачининг саволидан кейин сергак тортишди. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгаришлар ва уларнинг мазмун-моҳиятидан ҳамма хабардорми? Бу саволга ҳар ким ўз жавоби, фикр-мулоҳазасини билдирди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини ҳамда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигидаги тадбир шу тарихи қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида бошланди.

Партия гуруҳлари ваколат даражасида фаолият юритмоғи зарур



Шундан сўнг, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг фаолияти натижалари таҳлил этилди. Яхши тажрибаларни оммалаштириш бўйича таклифлар билдирилди, электорат манфаатларига қаратилган амалий ишларни янада такомиллаштириш вазифалари муҳокама қилинди.

ЎзХДП ҳар бир туман ва шаҳар миқёсида коллеж битирувчиларининг мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган аниқ режа ишлаб чиқиш ва уларни амалда ижро этиш масъулиятини ошириш лозим, деб ҳисоблайди. Ҳар бир битирувчининг истиқболдаги иш жойини аввалдан аниқлаш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини тизимли йўлга қўйиш сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

ИФТИХОР

«ОТАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги юртимизда катта байрам қилинди. Уруш қатнашчилари, меҳват fronti иштирокчиларига юксак иззат-иқром кўрсатилди. Президентимизнинг Хотира майдонида уруш оқибатлари ҳақида билдирган фикрлари мени бениҳоя тўлқинлантириб юборди.

Менинг отам — Қорахўжа Қосимов ҳам 19 ёшида — 1941 йилда урушга бориб, Беларуссия фронтини жанг қилган. Икки марта ярадор бўлган, даволашиб

чиққач, яна жангни давом эттирган. У киши кўплаб орден ва медалларга сазовор бўлган. Уруш ғалаба билан якунланганидан кейин отам 1946 йилда ўзи ту-

ғилиб ўсган юрт — Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманига қайтиб келиб, ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмида бўлинма сардори сифатида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди.

Бугун фарзанду набираларимга отамнинг қахрамонликлари ҳақида фахр билан ҳикоя қиламан. Уруш ва меҳнат фахрийларига Президентимиз томонидан берилаётган эътибор мени жуда

ДУОГА ҚЎЛ ОЧГАН КЕКСАЛАР

Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон Республика бўлими «Кексаларимиз — ёшлар эъзози ва эътиборида» лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ўтказди.

Хусусан, қанотнинг бир гуруҳ аъзолари Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи Хожаяхмад ота ва Орман отанинг хонадонларида бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашишди. Шу кунни отахонларнинг томорқа ерларига кўчатлар экилди, уй атрофлари ободонлаштирилди.

Сўнгра ёшлар Мотамсаро она хайкали пойига гул қўйиб, уруш қахрамонлари, фронт

ортида меҳнат қилган фахрийлар хотирасини ёд этишди. Бу каби тадбирлар республиканинг барча туман ва шаҳарларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Зулайхо ОРТИҚОВА,
ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика
кенгаши сектор мудир.

Хоразм вилоят партия кенгаши томонидан «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъумимиз!» лойиҳаси доирасида кўлаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Кунни кеча партия фаоллари Қўшқўпир туманидаги Ғозовот қишлоғида бўлиб, уруш ва меҳнат фахрийларини Хотира ва қадрлаш кунини билан қўлади. Бир пиёла чой устидан нуроний отахон-онахонлар билан суҳбат қурилди.

— Бугунги фаровон кунларга оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эъзозига эришилган, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдулла ота Юсупов. — Бу кунларнинг қадрига етишимиз керак. Вата-

нимиз тинчлиги, оқойишталлигига кўз тегмасин, илоҳим.

Фронт орти фахрийлари Солиа момо Ҳасанова, Рўзимбой ота Қурбонбоев, Дурдишова момо Ёқубова каби кўлаб ёши улуг кексалар ҳам кўллари дуога очиб, Абдулла отанинг тилақларига қўшилишди.

Санобар БЕРДИЕВА,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши сектор мудир.

Юқори
малакали
юридик
кадрлар

ТАЙЁРЛАШНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ 3

Кексалар
суҳбати —
ҳаёт
ҳикмати

8 май. Кундуз соат тўрт. Баҳор баҳорлигини қилди. Аввал томчиланган ёмғир сал ўтмай жадаллашиб кетди. Шу кунни Кито туманида Хотира ва қадрлаш кунини ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан тадбир мўлжалланган эди. Тадбир бошланиши олдида ёмғир бирдан секинлашди, осмонда кўёш юзини кўрсатди. 4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Сиз кўрсатган жасорат
ҳеч қачон унутилмайди



Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аҳолига сифатли автотраспорт хизмати кўрсатиш масаласини ўрганиб чиқди.

МУНОСАБАТ

ИНСОН, ХАЛҚ, МИЛЛАТ

тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир



Мирсултон
ХАСАНОВ,
Иккинчи жаҳон
уруши қатнашчиси,
Юнусобод тумани
«Оқтепа»
маҳалласидан:



Саҳобиддин
АРЗИҚУЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:



Ойтўла
АБДУРАИМОВА,
«Истиқбол»
ёшлар қаноти
Самарқанд
вилоят бўлими
етакчиси:

— 17 ёшимда урушга кетганман. Мендан олдин отам ва акам ҳам сафарбар қилинган эди. Отам яраланиб, уйга қайтди. Акам эса бедарак кетди. Уруш бизнинг оиламизга катта мусибатлар олиб келди. Телевизор орқали Президентимизнинг Хотира майдонида билдирган фикрларини эшитиб, уруш йилларини эсладим. ...Жанг майдонларида курбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир «улуг дохий» учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган. «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам», деб ҳаётдан кўз юмган, деган сўзлари урушда ҳалок бўлган акам Миргани Файзиевнинг ёзган хатини яна бир бор ёдимга туширди. Унда шундай жумлалар бор эди.

«Онажоним, яқинларим, мен соғ-саломатман. Уруш ҳам тугай деб қолди. Ғалаба деярли биз тарафда. Сизларни жуда соғиндим. Худо хоҳласа, дийдор онлари яқин...»

Афсус, дийдор қиёматга қолди. Акамнинг охириги хатини онам бир умр кўлидан қўймади. Умрининг охиригача акамни кутиб яшадим. Онам мисолида шунчи ҳис қиламанки, юртимиздаги юз минглаб оналар ана шундай оғир художил, армон билан дунёдан ўтди...

Пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонида невараларим билан тез-тез бориб тураман. Уларга урушнинг оғир йиллари, акам, отам, қуролдош дўстларим ҳақида гапириб бераман.

Президентимиз суҳбат давомида яна бир бор ҳаммамизнинг эътиборимизни тинчликни асрашга қаратди. Биз, уруш қатнашчилари уруш нимадиги, тинчлик қадрини жуда яқин билармиз. Тўғриси айтганда, Юрбошимиз қалбимизнинг туб-тубидаги гапларини айтди. Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз бизга тинчлик ва омонлик керак, деган даъватни қайта-қайта такрорламоқда. Бу ҳақиқатни барчамиз яқин англаймиз. Тинчликка эса ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун курашиш керак бўлади. Ҳаммамиз кўриб турибмиз, билиб турибмиз, Юрбошимиз мамлакатимизда, минтақада тинчликни асраш учун жони-жаҳонини бағишламоқда. Хотира майдонида айtilган фикрлар тинчлик ва тотувликни асрашга қаратилган яна бир қадам бўлди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бепда.

ЎзХДП: ҲАМКОРЛИҚДАГИ ТАДБИР

Партия гуруҳлари ваколат даражасида фаолият юритмоғи зарур

Бахс-мунозараларда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, туман, шаҳар партия кенгашлари раислари фаол иштирок этди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимаси раҳбари Дониёр Аюпов қонунчилигимизда депутатларнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари кенгайгани, бу эса жойлардаги вакиллик органларининг ролини оширишга мустақам ҳуқуқий асос яратганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Партия гуруҳлари ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун, аввало, қонуний бурчлари, ҳуқуқларини тўлиқ ўрганиб чиқиши кераклиги қайд этилди.

— Бугунги ислохотлар ва тараққиётнинг ҳозирги босқичи депутатлар фаолиятини тубдан қулайитириш, партиянинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш лозимлигини кўрсатмоқда, — деди у. — Бу борада депутатлар электрат манфаатларини тизимли равишда ўрганиб, таҳлил этиб бориши ҳамда аниқ ташаббуслар билан чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Демак, халқ депутатлари Тошкент шаҳар

Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ҳам назорат-таҳлил, депутатлик сўрови институти имкониятларидан янада кенг фойдаланиш, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитишнинг изчил таҳлил қилиши ҳамда сессиялар ва доимий комиссияларга кўпроқ масала киритиши талаб этилади.

Партия гуруҳларининг масъулиятини қулайитириш мақсадида барча ҳудудларда шундай семинарлар ўтказилмоқда. Семинарларда партия гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш юзасидан билдирилган тақрирлар умумлаштирилади ва партия ташкилотлари билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар белгилаб олинади.

— Сессияга масала киритиш, унинг ечими юзасидан назорат ўрнатиш жуда масъулиятли жараён, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов. — Бунинг учун дастлаб ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ўрганилади, таҳлил қилинади ва дои-



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

мий комиссия муҳокамасига қўйилади. Асосланган тақлифлар, ҳаётий мисоллар тақдим этилсагина, масала сессия кун тартибидан ўрин олади. Бу билан қимнингдир камчилиги кўрсатилиб ёки депутатнинг обрўсини ошириш мақсад қилинмайди, албатта. Аксинча, бунда сайловчиларнинг, кўпчиликнинг манфаати ифода этилади. Демак, сессияга масала олиб киришдан мақсад, аввало, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, демократик ва ижтимоий ислохотлар самарадорлигини ошириш

дан иборат. Партиямиз бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш, қонун лойиҳаларини жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилиш жараёнида халқ депутатлари партия гуруҳлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ҳамкорлигини мустақамлаб бормоқда. Бундай ҳамкорлик депутатлар ўртасида фикр ва тажриба алмашиш имкониятлари кенгайишига хизмат қилади, депутатлик назоратининг таъсирчанлиги ошишига шароит яратади.

Семинар-тренингда партия гуруҳлари фаолиятини қулайитириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бу каби семинарлар Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлинималари билан ЎзХДП ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бепда.



■ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ НАФАҚАТ МУКАММАЛ ВА ПУХТА ҚОНУНЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, БАЛКИ АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН САМАРАЛИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ҲАМ ОЛИБ БОРИШДИР.



■ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛАР ЖОЙЛАРДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН, СОҲАЛАР РИВОЖИГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА ФАОЛ ВА ТАШАБУСКОР БЎЛИШИ КЕРАК.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тинчликпарвар сиёсат дунёга ибрат бўлмоқда.

СЎЗ — ЎзХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

■ Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва сиёсий модернизация жараёнларининг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг билими ва фаоллигига боғлиқ. Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти қанча юксак бўлса, ижтимоий-сиёсий ислохотларга таъсири шунчалик кучли бўлади. Партиямиз тизимида 2006 йилдан бери ўтказиб келинаётган сиёсий ўқувлар айнан шу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

Асосий кучимиз — аъзоларнинг билими ва фаоллигида

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этиладиган семинарлар партиямиз электратининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишда энг таъсирчан воситага айланиши зарур.

Шунинг учун ҳар бир тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, шу мақсадда қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини фуқаролар, электрат вакиллари кенг тушунтиришга, иштирокчиларнинг фикрини шакллантиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Шунингдек, қонунлар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги таҳлил қилиниб, иштирокчиларнинг депутатлик ва жамоатчилик назорати ҳақидаги тушунчаларини бойитишга ҳаракат қилиняпти.

Сиёсий ўқувларни ўтказиш бўйича партия кенгашлари ва депутатлар ўртасида мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар бўйича ўтказилаётган давра суҳбатларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари мунтазам иштирок этишмоқда, қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини, ислохотлар самарасини ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб беришмоқда.

Биламизки, партиямиз учун аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларига йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шу орқали иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш долзарб ва принципиал масала ҳисобланади. Партиямизнинг ҳар бир аъзоси бу ҳақда етарли тушунча ва тасаввурга эга бўлиши зарур. Электрат вакиллари Сайловолди дастурида илгари сурилган ҳақиқатларни қўллаб-қувватлайди. Демак, ҳар бир ўқувда шунга эътибор беришимиз зарур.

2014 йилги сайловлар жараёнида партия кенгашлари томонидан ўтказилган тадбирлар электрат вакиллари фаоллигини, сайлов қонунчилиги тўғрисидаги ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини оширишга хизмат қилди, дейиш мумкин. «Сиз сайлов қонунчилигини биласизми?», «Менинг биринчи сайловим», «Агар мен депутат бўлсам...», «Менинг овозим муҳим аҳамиятга эга» каби мавзуларда вилоятимизнинг барча туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларидаги тадбирлар жонли мулоқот, фикр алмашиш тарзида ўтди. Биз бундан «Ҳар бир ўқувни аниқ мавзу ва мақсадга йўналтиришимиз керак экан», деган хулосага келдик.

Тадбирларда янгича, замонавий усуллари қўллашга ало-



Камолбой
ИСАБЕКОВ,
Ўзбекистон ХДП
Самарқанд
вилоят кенгаши
раиси.

ҳида эътибор қаратиляпти, қуруқ маърузаларни тинглаш ўрнига, кўпроқ жонли, интерфол машғулотлар ўтказиляпти. Семинарларга партия кенгашлари қошидаги Тарғибот гуруҳлари, партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар тўлиқ жалб қилинмоқда. Юқори партия ташкилотлари томонидан берилаётган услубий қўланмалар ва тақлифлардан унмол фойдаланиляпти. Ўтган ўқув йилида вилоят миқёсида ўтказилган сиёсий ўқув ва семинарда 130 минг нафардан ортиқ фуқаро иштирок этгани ҳам тадбирларга уларнинг қизиқишлари ортгани, партиямиз дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчилар сони кўпайиб бораётганини кўрсатади.

Муҳими, ўқув-семинарлари орқали иштирокчиларнинг сиёсий билим ва кўникмалари ошиб, дунёқараши янада кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Иштихон, Пахтачи, Самарқанд, Тайлоқ, Пастдарғом туман кенгашлари томонидан ўтказилган тадбирларда аҳоли фаоллиги яққол кўзга ташланди. Мисол учун, Пастдарғом туман кенгаши томонидан ўтказилган тадбирларда фуқаролар кўплаб ижтимоий мавзуларда саволлар билан мунозаарат қилишди. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари тумандаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш масалаларида қатор тақлифлар билдирилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сиёсий ўқув машғулоти аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бирга, партия ташкилотлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирлар жараёнида партия кенгашлари иш самарадорлиги, депутатлик назоратини изчил йўлга қўйиш масалалари чукр таҳлил этилмоқда. Яъни, партиямиз аъзолари, электрат вакиллари фикрлари фаолиятимизни қулайитиришда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатларининг ўтган йилда мутасадди ташкилотлар раҳбарларига юборган депутатлик сўровлари ва уларнинг натижалари қандай бўлди? Электрат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларда учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда депутатлик сўрови қандай аҳамиятга эга бўлмоқда? Жорий йилда депутатларнинг депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиш механизми бўйича қандай чоралар ишлаб чиқилди?

Мазкур саволларга ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўтабар Каримовнинг жавобларини кутамиз.

Бу ҳақдаги мақола газетамизнинг жорий йил 16 май сонидида чоп этилиши режалаштирилган.

Ҳозирги кунда университетимизда модуль тизими асосида талабалар 2-курсдан бошлаб, ўз хоҳишларига кўра 5 та соҳа мутахассислигидан бирини танлаб, юридик таълим олиши жорий этилган.

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

Юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашнинг янги босқичи

■ Бугунги кунда юртимизда олий таълим тизимининг таркибий қисми бўлган юридик таълимнинг тубдан ислоҳ қилишга, бўлажак ҳуқуқшуносларни ҳар томонлама билимли ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти университетга айлантирилиб, «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди.

Юридик таълимни ислоҳ этишга қаратилган мазкур қарорнинг мақсади, мазмун-моҳияти билан боғлиқ саволларимизга **Тошкент давлат юридик университети ўқув ишлари бўйича проректори, юридик фанлар номзоди Мансурхон КАМАЛОВ** жавоб беради.

— Мазкур ҳужжатда ТДЮУнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгиланган бўлибди. Хусусан, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тadbirkorlik ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро, халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар ҳамда магистрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши кўзда тутилган. Ўқитишни замонавий шакл ва методлар, педагогик, ахборот-коммуникация, инновациялар технологиялар асосида ташкил этиш мақсадида университетда бакалаврлар тайёрлаш бўйича бешта соҳа мутахассисликлари белгиланди.

Давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлашти-

ришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, халқаро тажрибани ўрганиш, қонунни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш мақсадида Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази ташкил этилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш ҳам муҳим вазифа қилиб қўйилди. Ҳозирда университет профессор-ўқитувчилари томонидан янги авлод дарсчилари тайёрланаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Юридик таълимни замонавий халқаро стандартларга мослаштириш ва таълимнинг модулли тизимига ўтишини назарда тутувчи мазкур қарор назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжат юридик билим ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллашни ихтисослаштирилган ҳолда, блокли тарзда, замонавий шаклларда амалга оширишни назарда тутди. Айни пайтда халқаро таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда модулли тизимни юридик таълим тизимига таъбиқ этиш фаол давом этмоқда.

— **Модулли тизим ва унинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Модулли тизимнинг таълим жараёнига таъбиқ этилиши 1999 йил 19 июнь кун

имзоланган Болонья декларацияси билан боғлиқ, Болонья декларациясининг моҳияти Европадаги олий таълим тизимини бир-бирига яқинлаштириш ва уйғунлаштириш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Болонья таълим тизими жараёни 40 дан ортиқ мамлакатни ўзида бирлаштирган.

Модуль тизимига кўра, барча аъзо мамлакатларда олий таълимнинг даража ва стандартлари бир-бирига максимал даражада яқин, берилаётган илмий даражалари эса нисбатан тенг бўлиши керак.

Модуль тизимида ўқув жараёнининг асосий мазмун талабаларда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, ўз соҳаси йўналишларига қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув фанларини танлаш имкониятини бериш ва уларнинг мустақил таълим олишига қўмаклашиш мақсадида ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлашни назарда тутди. Энг муҳими, модулли тизим университетда сифатсиз кадрлар тайёрланишига барҳам бериши билан аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг 12 январидан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, ҳозирча фақат Тошкент давлат юридик университетида модулли тизимни шакллантириш мақсадида алоҳида янги тартиб белгиланди. Ўқув жараёнини жаҳон таълим стандартлари асосида такомиллаштириш мақсадида «Тизимий таълим», «Қарорлар қабул қилиш назарияси», «Телекоммуникация ҳуқуқи», «Энергетика ҳуқуқи», «Халқаро арбитраж ҳуқуқи», «Трансмишллий корхоналар ҳуқуқи» каби фанларнинг ўқув жараёнига киритилиши ҳамда



Санжар ШОТЎЛАНОВ олган сурат.

12 та мутахассислик фанларининг инглиз тилида ўқитилиши йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда университетимизда модуль тизими асосида талабалар 2-курсдан бошлаб, ўз хоҳишларига кўра, 5 та соҳа мутахассислигидан бирини танлаб, юридик таълим олиши жорий этилган. Ҳар бир йўналиш доирасида барча юрист билиши шарт бўлган 26 та мажбурий ва 14 та танлов фанлари ўқув дастурига киритилган ҳамда бу жараёни соҳа мутахассислигининг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатларидан келиб чиқиб, шунингдек, иш бериувчилар билан келишилган ҳолда шакллантирилади. Илгари бундай амалиёт бўлмаган ва барча талабаларга мажбурий равишда бир хил фанлар ўқитилган. Бу эса бўлажак юристларнинг муайян йўналишда профессионал маҳоратининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатган.

Яна бир аниқлик: «Тошкент давлат юридик университети талабалари билимининг баҳолаш ва назорат қилиш тўғрисида»ги низомга киритилган ўзгартришга кўра, баҳолашнинг янги электрон шаклига ўтишди, университетда деканатлар ўрнига жамоатчилик асосида курс раҳбарлиги ташкил этилиб, талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларидан келиб чиқиб, янги мезонлар белгиланди.

Хусусан, олий таълим муассасаларида модуль тизимининг ҳуқуқий асослари ўз ички тартиб-қоидаларига таяниши белгиланди. Ўқув жараёнида рейтинг дафтарчаларини юришти тизимига барҳам берилиб, электрон ҳисобга олиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу янгилик турли расмийликларга чек қўйиб, талабаларга мустақил ишлаш учун қулайликлар туғдириши билан аҳамиятлидир.

— **Қайси хорижий мамлакатларнинг етакчи турдош таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган?**

— Таълим соҳасини ташкил этишда тажриба алмашиш ҳамда олий малакали юридик кадрлар тайёрлаш мақсадида Тулуза университети билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган.

Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жағфармаси Марказий Осиё бўйича вакиллик билан университетимиз ўртасида турли таълим лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари (конференция, давра суҳбати, илмий семинар ва ҳоказолар), таълим соҳасида дистанцион ахборот алмашиш борасида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Япониянинг Нагоя университети билан профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг тажриба алмашишини

ташқил этиш ҳамда ҳар иккала университетнинг магистратура ва катта илмий ходимларини тадқиқотчи сифатида қабул қилиш бўйича ҳамкорлик самарали амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, талабаларда ҳуқуқни қўллаш, таҳлилий фикрлаш ва ўзи ўқиётган соҳа бўйича ҳам назарий, ҳам амалий билимнинг шаклланиши ҳамда мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ошириш мақсадида университетимизнинг мутасадди давлат органлари ва вазирликлар билан ҳамкорлик келишуви амал қилмоқда. Бундай ҳамкорлик, яъни етарли тажрибага эга амалиётчиларнинг таълим жараёнига жалб этилиши ўзининг ижобий самарасини беришига ишонимиз.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, бўлажак юридик кадрлар учун қонунларни пухта билиш, уларни амалда қўллаш, процессуал ҳужжатларни ёза олиш; муаммоларни ҳуқуқий маълумотлар билан таҳлил қилиш, суд жараёнида иштирок этиш, ўз фикрини ёзма ва оғзаки равишда баён этиш, компьютерда ишлаш, чет тилларда эркин иш юритиш каби кўникмаларни шакллантиришни замонавий ўзи талаб қилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири Равшан ШОДИЕВ суҳбатлашди.

Кўёшни яқиндан ўрганиш

натижасида қандай яшаш керак, деган саволларга жавоб топиш мумкин

Инсониятнинг Кўёш ҳақида билганлари ундан миллион-миллион километр узоқда туриб олиб борган кутазуларига асосланади. Бироқ келажақда Кўёшга яқинроқ бориб уни ўрганиш имконияти туғилишига олимлар ишонимокда.

Ҳап шундаки, АҚШнинг «NASA» аэрокосмик агентлиги мутахассислари мислсиз экспедицияга тайёргарлигини бошлаб бораётганлари ҳам анча бўлди. Улар келажақда Кўёшга парвозни амалга оширишмоқчи. Бунинг учун Цельсий бўйича 1400 даража иссиққа чидайди-ган материалдан самовий кема яратиш лозим.



Ушбу ракета Кўёш тожигига максимал даражада яқин бориши керак. Яъни Кўёшга 6 миллион 400 минг километрга-ча яқинлашиши лозим. Айнан унинг ёрдамида Кўёш тожигидagi ҳароратнинг кутарилиши, Кўёш шамоли қаёқдан пайдо бўлиши, унинг нафқат Ерга, балки барча сайёраларга таъсири сабабларини ўрганиш олимлар олдидаги асосий мақсадидир.

Кўёшга парвозни амалга ошириш мумкинми ўзи, деган саволга олимлар «Ҳа» деб жавоб беришмоқда. Айнан Кўёшга парвоз келажақда инсониятни нима кутаётгани, қандай яшашимиз кераклиги ҳақидаги билимларимизни оширад. Демак, бу парвоз Ойга қўлинадиган парвозлардан кўра, ўн чандон аҳамиятлроқ.

Фақат бу миссияда астронавтлар учун энг-катта муаммо Кўёш радиациясидан ҳимояланиш масаласидир. Шу боис ҳам америкаликлар дастлаб Кўёшга зонд учуришмоқчи. Кўёш тожигининг фаоллашуви мавсуми ҳам назардан четда қолмагани йўқ. Фаоллик сусайган даврда парвозни амалга ошириш энг мақбул қарордир, деб ҳисоблашмоқда.

Аҳоли кўпаяди

ва айрим ҳудудларда камайд

Дунё аҳолиси 7 миллиарддан ортиб кетганига ҳам бир неча йил бўлиб қолди. Аҳоли сони 2025 йилга бориб 8 миллиарддан ортиши, 2050 йилда эса 9,5 миллиардга яқинлашиши мумкинлиги аҳолишунослик бўйича шуғулланувчи ташкилотлар ҳисоботларида қайд этилган.

АҚШнинг «Аҳолишунослик бўйича маълумотлар бюроси» («Population Reference Bureau») ҳисоб-китобларига қараганда, аҳолининг тезкор кўпайиши, айниқса, Африка қитъасида яққол кузатилади. 2 миллиарддан ортиқ киши айнан шу қитъада яшайди. Осиё ҳам кўпайишда Африкадан қолдиқмаслиги башорат қилинмоқда. — Ҳозир 4 миллиарддан зиёд киши шу ҳудудда яшайётган бўлса, 2050 йилга бориб яна 1 миллиарддан ортиқча кўпаяди.

Аммо Ер шарининг барча ҳудудларида ҳам кўтарилиш қайд этилавермайд. Бу ҳол Европа ва Россияда кузатилиши мумкин. Ушбу ҳудудларда аҳоли сони бугунги кун даражасида қолиши у ёқда турсин, ҳатто анчага камайд. Мисалан, Европада айни кунда 738 миллионга яқин киши истиқомат қилаётган бўлса, 2050 йилга бориб мазкур кўрсаткич 702 миллионнинг нари-берисига тушиб қолади. Россияда ҳам шу манзарани кузатиш мумкин. Бугун аҳоли сони 140 миллиондан зиёд бўлса-да, 2050 йилда бу рақам 117 миллионга тушиб қолган бўлади.

АҚШда ҳам аҳоли сонининг кўпайиши кузатилади, бироқ бу кўпайиш туғилиш ҳисобида эмас, балки муҳожирлар ҳисобида қайд этилади.

Бугунги кунда аҳоли сони бўйича биринчи ўнликдан Хитой, Хиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия, Покистон, Бангладеш, Нигерия, Россия ва Япония жой олган. 2050 йилга бориб бу рўйхатнинг охириги иккитаси ўзгариши эҳтимолдан холи эмас. Эфиопия ва Конго Демократик Республикаси бу ўнликка киришга «давоғар»лардан.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Asia Alliance Bank»:

Ишончли ва доимий ҳамкор

■ 2009 йилда ташкил этилган «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик-тижорат банки бошқарувнинг аниқ ва такомиллашган тизими асосида банк бизнесининг турли йўналишларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Эътиборлиси, бунда асосий устуворлик кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik соҳаси вакиллари билан ишлашга ва уларга тўлақонли хизматлар кўрсатишга қаратилган.

Мазкур ишлар Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik ни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ижроси доирасида амалга оширилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг 1-чорагида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik соҳасига 73,8 млрд.сўм кредитлар йўналтирилган, бу ажратилган жами кредитлар ҳажмининг 71 фоизини ташкил этган. Ҳисобот даврида банк томонидан жами 103,9 млн.сўмдан ортиқ кредитлар берилган ва 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банк кредит

қўйилмалари 446,4 млрд сўмга етган.

Кредит портфелининг тармоқ таркибига келсак, у етарли даражада мувоzanatлашган. Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг устуворликларига мос ҳолда санаят, умумий овқатланиш ва савдога сармоялар йўналтирилган. Табиийки, пул маблағларини даромад келтирувчи активларга жойлаштириш ва кредитлар қўйилмаларини кичик бизнес корхоналарига бериладиган сармоялар улушини оширишни кўзда тутган ҳолда шакллантириш банк учун асосий йўналиш ҳисобланади.

Самарали ҳамкорликка мисол тариқасида «BARHAN PRODUCTION GROUP» МЧЖни келтириш мумкин. 2015 йил февралда банк томонидан унга целлолоза-қоғоз чикиндларидан тухумлар учун қадоклар ишлаб чиқариш ташкил этиш мақсадида 50,0 млн.сўм кредит ажратилди.

— Банк маблағлари ҳисобига фаолиятимизни янада ривожлантириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга эришдик. Натижада қўшимча иш ўрни-



ларини яратдик. Хом-ашёмиз билан паррандачилик фермаларини, савдо ташкилотлари ва хусусий тadbirkorlik ларни таъминлаяпмиз, — дейди корхона директори Тигран Барханджян.

Банк томонидан ёш оилаларга оилавий бизнесни ривожлантиришга, коллеж битирувчиларига эса бошланғич сармояни шакллантириб ўз ишини ташкил этишга сармоялар бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аёллар тadbirkorlik аёллар раҳбар бўлган, шунингдек асосан аёллар меҳнатидан фойдаланаётган корхоналарга кредитлар

ташки фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Хорижий сармояларни жалб этиш орқали молия муассасаси мамлакатимизда хусусий бизнесни, унинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга, пировард натижада мамлакатимиз маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларидаги ҳажмлари кенгайишига қўмаклашмоқда.

Бугунга келиб, банк савдо ва лойиҳавий молиялаш соҳасида халқаро молиявий ташкилотлар ва банклар билан самарали ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, Хусусий Секторни Ривожлантириш Ислам Корпорацияси (ХСРИК) молиялаш линияси ҳисобида хусусий секторнинг узоқ мuddатли лойиҳалари маблағ билан таъминланди. ХСРИК ва «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ ўртасида имзоланган ҳамкорлик янада ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамжihatлик тўғрисидаги меморандум эса кичик бизнес соҳасини ривожлантириш имкониятини беради. Шунингдек, хорижий кредит линияларини жалб этиш мақсадида ўтган йили Германиянинг «LandesbankBerlin AG (LBB)» ва «LandesbankBaden-Wuerttemberg» банклари билан хусусий сектор лойиҳаларини молиялаш бўйича кредит битимлари имзоланган.

Мухтасар қилиб айтганда, «ASIA ALLIANCE BANK» аниқ ишлаб чиқилган ўз стратегияси асосида ривожланиб бормоқда, бу энг аввало, мижозлари доираси кенгайганида, сервис хизмати яхшиланганлигида, ҳар бир мижозга бўлган алоҳида ёндашувида ва халқаро андозаларга мувофиқ хизматлар кўрсатилаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 12 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

■ 1 Австралия доллари	1990,18
■ 1 Англия фунт стерлинги	3888,03
■ 1 Дания кронаси	376,75
■ 1 БАА дирҳами	686,83
■ 1 АҚШ доллари	2522,73
■ 1 Миср фунти	330,63
■ 1 Исландия кронаси	18,99

■ 1 Канада доллари	2080,77
■ 1 Хитой юани	406,39
■ 1 Россия рубли	49,71
■ 1 Украина гривнаси	122,52
■ 1 Малайзия ринггити	700,17
■ 1 Польша злотийси	692,85
■ 1 СДР	3547,79

■ 1 Туркия лираси	935,80
■ 1 Швейцария франки	2702,15
■ 1 ЕВРО	2828,84
■ 10 Жанубий Корея вон	23,11
■ 10 Япония иенаси	210,39

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Кексалар суҳбати — ҳаёт ҳикмати

8 май. Кундуз соат тўрт. Баҳор баҳорлигини қилди. Аввал томчилаган ёмғир сал ўтмай жадаллашиб кетди. Шу кунни Китоб туманида Хотира ва қадрлаш кунни ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан тадбир мўлжалланган эди. Тадбир бошланиши олдида ёмғир бирдан секинлашди, осмонда қуёш юзини кўрсатди.

— Кексалар айтганидек, осмондан бол ёғди, — деди тадбирни очар экан, Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев. — Бу — барча экинлар яхши ўсади, лалми ерларда мўл ғалла битади, йил баракали келади, деганидир. Тоғолди тумани Китобнинг табиати эса сўлим ва дилбар. Бундай гўзал масканда нималар ҳаёлимиздан ўтади? Юртини обод қилиш, янада яхши ва фаровон ҳаёт учун меҳнат қилиш, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш. Президентимиз айтганидай, тинчлик, аҳиллик, қадр-қиммат юртимиз тараққиётининг пойдевори ҳисобланади.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Эсон Ражабов кексалар, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, умуман, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ютуқлар ва навбатдаги вазифаларга эътибор қаратди.

Ибодулла бобонинг сўзлари — ҳаёт ҳикмати. Қадр-маънавий хазинамиз, ундан барча баҳраманд. Вилоятда Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан эҳтиёжманд оилалардан, уруш ва меҳнат fronti иштирокчиларидан хабар олинди.

тоғли Паландара қишлоғи ва унинг атрофида сил касалиги тарқалади. Аҳоли ўртасида



ўлим ҳодисаси кўпайиб кетади... Шу сабабли Паландарада катталар ва кичиклар санаториялари, Китоб шаҳри яқинида вилоят сил касалликлари шифохонаси қурилиши бошланади. Албатта, бунда Китобнинг сўлим табиати, шифобахш ҳавоси ҳам ҳисобга олинган.

— Қирқ икки йилдан буён шу касалхонада ишлайман, — дейди шифохона бош ҳакими ўринбосари Жўракул Аҳмедов. — Ҳукуматимиз томонидан касалхонамизни капитал таъмирлаш учун 7 миллиард сўмдан ортиқ маблаг

ажратилди. Бундан барчамизнинг бошимиз осмонга етди.

— Шу касалхонада йигирма олти йил ҳамшира бўлиб ишладим, — дейди меҳнат фахрийси Сожида Зиёдуллаева. — Бугун шароитни қаранг, инсон саломатлигига катта эътибор намунаси эмасми?.. Ушбу тадбирга таклиф қилишгандан кўнглим тоғдек кўтарилди...

— Мен узоқ Миришкор туманидан келганман, — дейди бемор Азим Расулов. — Туманимиз чўл минтақасида. Аммо Китобнинг иқлими, табиати беназир экан. Тадбир

муносабати билан бизга совғасаломлар улашишди, чексиз миннатдормиз.

— Бугунги тадбирга маҳалламиз фахрийлари, кексаларимиз ҳам келишган, — дейди Улуғбек МФЙ маслаҳатчиси Бодом Қурбонова. — Вилоятимизда аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида олиб борилаётган ишлар одамларни қувонтирмайди. Инсонни қадрлаш ишларидан ҳамма мамнун.

— Отам урушдан ногирон бўлиб қайтган, — дейди Ибодулла Зиёдуллаев. — Биз уруш йиллари очликдан

ўлмаслик учун исмалоқ, ёввойи бугдой, ўт-ўлан еганмиз. Шундай қилиб жон сақлаб қолганмиз.

Ибодулла бобонинг сўзлари — ҳаёт ҳикмати. Қадр-маънавий хазинамиз, ундан барча баҳраманд. Вилоятда Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан эҳтиёжманд оилалардан, уруш ва меҳнат fronti иштирокчиларидан хабар олинди. Кўмак берилди, совғалар топширилди. Гап совға-саломда эмас, эътиборда. Китоб туманининг Бештерак қишлоғида яшайдиган 111 ёшли онахон — Умида Алмуродованинг турмуш ўртоғи урушдан қайтмади. У кўлида қолган гўдакларини улғайтириб, эл-юртга қўшди. Аммо етмиш йилдан буён жангтоҳлардан қайтмаган умр йўлдошининг йўлларига интизор.

Шу ҳақда ўйлар эканман, Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан айтган сўзлари ёдимга тушади. Йиллар ўтади, Ватанимиз бундан-да юксалади. Шу қўллуғ кўнлар учун қурашганлар, эл-юрт қорига яраганлар, барча азиз инсонларнинг ёди унутилмайди. Уларнинг руҳи ҳамиша биз билан!..

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲИКМАТЛАР ХИЁБОНИ

ФАНГА, МУСИҚАГА,
ТЕАТРГА ВА УМУМАН,
ТАШҚИ ОЛАМГА
МУҲАББАТИ САҚЛАНИБ
ҚОЛГАН КЕКСАЛАР
БАХТИЁРДИРЛАР.
ЎЗИДАГИ БОР НАРСАЛАР
ИНСОНГА, АЙНИҚСА,
ЁШИ УЛҒАЙГАНИДА
АСҚОТАДИ.

КЕКСАЛИҚДА
МУҲАББАТСИЗ ЯШАЙ
ОЛГАН ОДАМ ЁШЛИГИДА
ҲАМ СЕВГАН ЭМАС, ЗЕРО
МУҲАББАТ ЁШ
ТАНЛАМАЙДИ.

НУРЛИ ЮЗЛАРДА
ҚУВНОҚЛИК ЖИЛВА
ҚИЛГАНГА НИМА
ЕТСИН! НУРОНИЙЛИК
ДЕБ ШУНИ АЙТАДИЛАР.

ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТ ЭЛЛИК
ЁШДАН КЕЙИН
БОШЛАНАДИ. БУ ЁШДА
ОДАМ ЧИНАКАМИГА
ТОБЛАНИБ ЕТИЛАДИ,
БОШҚАЛАР ЎРНАК ОЛСА
АРЗИГУЛИК
ХИСЛАТЛАРГА ЭҒА
БЎЛАДИ, БИРОВЛАРГА
САБОҚ БЎЛАДИГАН ҲАЁТ
ҲИКМАТЛАРИНИ
ТУШУНИБ ЕТАДИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«Toshkent universal auktsion savdo» масъулияти чекланган жамияти

2015 йил 18 июнь кунни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюк Турон кўчаси, 56-уйда жойлашган «TASHKENT PALACE NEW» МЧЖнинг 2015 йил 5 майдаги мажлиси баёни қарорига ҳамда 2015 йил 6 майдаги 75-сон хатига асосан, жамият балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 01/268VAA бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи 10 фоизга пасайтирилган нархда, яъни 14 607 000 сўм миқдорида **такрорий равишда**, шунингдек, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиклол кўчаси, 29-уйда жойлашган «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIIYA VAZIRLIGI AXBOROT-HISOBLASH MARKAZI» ДУК балансидаги 2009 й. и/ч, д/р 01/853NDA, бошлангич нархи 27 200 000 сўм бўлган «Нексия-2 СОНС» русумли; Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, Каттортол кўчаси, 2/1-уйда жойлашган Чилонзор туман Молия бўлими балансидаги 2000 й. и/ч, д/р 01/802XCA, бошлангич нархи 8 045 000 сўм бўлган «ГАЗ-31100» русумли; Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Тошкент — Ўш йўлининг 98-км.да жойлашган «AKMAL-BARAKA» МЧЖ балансидаги 1995 й. и/ч, д/р 10/950ZAA, бошлангич нархи 32 914 200 сўм бўлган «МАЗ 5337» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кўнларидида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2015 йил 30 апрель кунни ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, Республика болалар ихтимойи молашуви маркази балансидаги д/р 01/549ССА бўлган «Нексия» 24 400 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади:

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закатлат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо солибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатлат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кўнлари ўтказилади.

Ушбу автотранспорт ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00 да бошланади ва кўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-кават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-02-49; теле/факс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ТУЛОВ ТУРИ: ЯАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш. Усмои Носир кўчаси, 113 уй. Мулжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11, 250-23-93; (99894) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-82; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.



ОБ-ХАВО	12-13.05 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+13 / +18	+27 / +32
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+16 / +21	+27 / +32
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+25 / +30
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+17 / +22	+28 / +33
Андижон, Наманган, Ферғона вилоятлари	
+15 / +20	+25 / +30
Тошкент шаҳри	
+17 / +19	+27 / +29
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+18 / +20
Париж	+22 / +24
Москва	+23 / +24
Мадрид	+34 / +37
Пекин	+28 / +32
Канберра	+12 / +12
Рим	+26 / +28
Афина	+24 / +27
Токио	+24 / +27
Стокгольм	+16 / +17
Кейптаун	+26 / +19
Қоҳира	+31 / +30
Гавана	+29 / +29
Вашингтон	+32 / +22